

**Н.А.ДИЛМУРОВА**

**ХУРШИД ДЎСТМУҲАММАД  
НАСРИДА СЎЗНИНГ  
БАДИИЙ-ЭСТЕТИК ВАЗИФАСИ**



**ЎЗБЕКИСТОИ РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИИСТИТУТИ**

**Нилуфар Дилмуродова**

**ХУРШИД ДЎСТМУҲАММАД НАСРИДА  
СЎЗНИНГ БАДИИЙ-ЭСТЕТИК ВАЗИФАСИ**

*Монография*

**ТОШКЕНТ  
ИQTISOD-MOLIYA  
2020**

**УЎК  
КБК**

**Масъул муҳаррир:**

Н.Хусанов

Филология фанлари доктори, профессор

**Тақризчилар:**

А.Сапаров

Филология фанлари номзоди, доцент

М.Аҳмедова

Педагогика фанлари номзоди, доцент

**Дилмуродова, Нилуфар**

Хуршид Дўстмуҳаммад насрида сўзнинг бадиий-эстетик вазифаси – Т.:  
”IQTISOD-MOLIYA”, 2020, -172 б.

Мазкур монография Хуршид Дўстмуҳаммад насрий асарлари мазмун-моҳияти замирида, аввало, эзгу максадлар йўлида курашаётган иисои шахси ва феълу атвори, кўнгилда кечадиган зиддиятли тебранишлар, ботиий ва зухурий жозибаторлик мутаносиблиги, эзгулик билан ёвузлик ўртасидаги кураш мотивлари, келажакка бўлган ишонч туйғуси моҳиятини мужассам қилган СЎЗнинг бадиий-эстетик вазифаси мавзусига бағишланган.

Унда адиб ҳаракатдаги жонли сўз орқали, бадиий-эстетик идеали, нуқтаи назари ва концепциясини яратиш билан бирга, олам ва одам моҳиятини теран ҳиссий идрок этиш, турли маънавий-ахлоқий, ижтимоий муаммоларни идрок ва талқин этишда қандай бадиий йўналиш ва ижодий анъаналар, тажриба мактаблари ҳамда поэтик омиллардан самарали фойдалангани билан боғлиқ долзарб масалалар муаллиф томонидан батафсил ўрганилган.

Монография олий ўқув юрти талабалари, филология йўналишида иш юритаётган ўқитувчи, тадқиқотчи-изланувчилар ҳамда кенг омма учун мўлжалланган.

Тошкент молия институти Кенгаши томонидан 2020 йил 28 мартдаги 8/12.9-сонли Қарори билан нашрга тавсия этилган.

**УЎК  
КБК**

**ISBN**

© Дилмуродова Н.А, 2020  
© “IQTISOD-MOLIYA”, 2020

## КИРИШ

Бадиий адабиёт ўз олдига замон ва макон қиёфаси, жамият ва шахс муносабатлари, инсон маънавий дунёси ва рухиятининг жами мураккаб ва эътиборга лойиқ қирраларини бадиий-эстетик тафаккур тамойиллари асосида инкишоф этиш вазифасини қўяди, аниқроқ айтганда, бадиий адабиёт яшовчанлиги, бадиий-эстетик ва маънавий-маърифий қудратини, эски қолипларни парчалаб, шаклан ва мазмунан янгиланиб бориш орқали намоён этади.

Заминида доимий давом этадиган диалектик ҳаракат ва ривожланиш белгиларини жам этувчи мана шу жараён истиқлол даврида, айниқса, яққол гавдаланди, истиқлол яратган қулай маънавий-маърифий имкониятлар туфайли бадиий ижоднинг уфқи янада кенг очилди, зеро, адабий-эстетик тафаккур тамойиллари тубдан янгиланиб, улар ҳақидаги фалсафий-эстетик қарашлар ва тушунчалар моҳияти ўзгарди.

Истиқлол шарофати билан миллий адабиётимиз, аввало, олам ва одам моҳиятини, шахс ботиний ва зухурий қиёфасини синчковлик билан талқин қилаётган, янгича идрок этаётган, турли ижтимоий, маънавий ва ахлоқий масалаларнинг психологизмга асосланган бадиий-эстетик талқинига эътиборни тортаётган кўнгил адабиёти бўлиб қолди. Миллий адабиётимиз халқимиз менталитетини ҳозирги давр талаб этаётган янгича бадиий-эстетик нуқтаи назар билан кенг кўламда ўрганиш баробарида, асрлар давомида шаклланган ўзига хос характерини яратиш, бевосита ҳаётий ва ижтимоий фаолият қийноқлари билан боғлиқ руҳият дунёсини кенгроқ ва ишонарлироқ ёритиш учун самарали изланаётгани, халқимиз кечмиши ва эртасига алоқадор дунёвий муаммолар қатламларига тобора чуқурроқ кириб бораётгани, айниқса, катта қизиқиш уйғотади.

*“Адабиёт, сўз санъати азалдан халқ қалбининг ифодачиси, ҳақиқат ва адолат жарчиси бўлиб келади – дея алоҳида қайд этган биринчи Президентимиз Ислом Каримов. – Хусусан, мустақиллик йилларида юртимизда маънавитимизнинг зоят муҳим ва узвий қисми бўлган адабиётни*

*ривожлантириши, шоир ва ёзувчиларимизнинг эзгу меҳнатини қадрлаш ва муносиб рағбатлантириши бўйича амалга оширилаётган ишлар ўз ҳосилини бераётгани, бадиий адабиётимиз мавзулар кўлами жиҳатидан ҳам, жанрлар нуқтаи назаридан ҳам ранг-баранг бўлиб бораётгани, адабиёт майдонида янги-янги номлар пайдо бўлаётгани китобхон халқимизни албатта қувонтиради”<sup>1</sup>.*

Дарҳақиқат, биринчи Президентимиз таъриф берганидек, истиклол даврида мафкура исканжасидан қутулиб, хурликка эришган миллий адабиётимиз ва унинг узвий қисми ҳисобланган наср бадиий-эстетик жиҳатдан бениҳоя муҳим ижодий изланиш босқичини ўтамоқда, зеро бу хусусият ҳикоячилигимиз тимсолида яққолроқ намоён бўлмоқда.

Бугунги ўзбек миллий насри кўнгил, руҳият ва сезимлар оламини синчковлик билан кузатаётган, азобланиш исканжасида имкониятларини синаётган, илгари ҳеч қачон юрилмаган йўллардан олға босаётган курашчан, ўйчан ва даъваткор соҳадир, муҳими, унинг мана шундай фазилатлари ўзгаларни такрорламайдиган, ўз сози ва овозига эга бўлган кўплаб истеъдод соҳибларини жалб қилмоқда.

Таниқли носир Хуршид Дўстмуҳаммад мана шу жараённинг фаол иштирокчиси сифатида ажралиб туради. Адиб изланишлари кузатилаётган янгилинишлар тизимида бетакрор бадиий-эстетик ҳодиса сифатида муҳим аҳамият касб этади, бинобарин, у яратган бир қатор ҳикоялари, қиссалари ва романи услубий жиҳатдан миллий ва жаҳон прозаси мезонларига мувофиқ бўлиб, насримиз иқлимига тоза ҳаво олиб кирди.

Тадқиқотни амалга ошириш жараёнида асосий эътиборни Хуршид Дўстмуҳаммад миллий адабиётимиз хазинасини қандай услубий янгиликлар билан бойитганига қаратамиз, умуман, адиб ҳикоялари, қиссалари ва романи мазмун-моҳияти замирида, аввало, ҳар тарафлама сайқал топган, яъни эзгу мақсадлар йўлида курашаётган инсон шахси ва феълу атори, кўнгилда кечадиган зиддиятли тебранишлар, ботиний ва зухурий жозибаторлик мутаносиблиги, эзгулик билан ёвузлик ўртасидаги кураш мотивлари, келажакка

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т., “Маънавият”, 2008, 137-бет.

бўлган ишонч туйғуси моҳиятини мужассам қилган СЎЗнинг бадиий-эстетик вазифаси нимадан иборат эканлигини текшираамиз.

Адиб ҳаракатдаги жонли сўз орқали, бадиий-эстетик идеали, нуктаи назари ва концепциясини яратиш билан бирга, олам ва одам моҳиятини теран ҳиссий идрок этиш, турли маънавий-ахлоқий ва ижтимоий муаммоларни идрок ва талқин этишда қандай бадиий йўналиш ва ижодий анъаналар, қандай тажриба мактаблари ҳамда поэтик омиллардан самарали фойдалангани билан боғлиқ долзарб масалаларга жавоб қидираамиз.

Адиб томонидан турли йилларда жозибали архитектоника ва психологик таҳлил асосида ёзилган насрий асарларида аниқ нуктаи назар ва мақсад билан илгари сурилган адабий-фалсафий ва маърифий-эстетик мотивлар илдизини очиш учун қиёсий тадқиқотлар билан шуғулланамиз.

Ана шу текширишлар биз танлаган мавзу мазмунан ва моҳиятан илмий-назарий ва амалий жиҳатдан бениҳоя долзарб эканини белгилаб берадиган асосий омилдир.

Чинакам сўз санъати, моддий ва руҳоний дунё, табиат, жамият ва инсон моҳиятини кузатар экан, биринчи навбатда, бадиий-эстетик тафаккур мезонларига суянади, инсон кўнгли ва руҳий оламини тадқиқ этиш баробарида ақлу идрокимиз ва сезгиларимизга фаол тарбиявий таъсир ўтказувчи гўзаллик яратади. Ҳақиқий санъаткор изланиш жараёнида мудом сўз зиммасига жиддий бадиий-фалсафий маъно юклашни, сўз моҳиятига нафосат сеҳри ва куч-қудратини намоён қилувчи мотивларни сингдиришни назарда тутаяди, ниҳоят, шу йўл билан эстетик идеалларини рўёбга чиқаради.

Мана шундай хусусият Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров, Саид Аҳмад, Шукур Холмирзаев, Ўткир Ҳошимов, Омон Мухтор, Асад Дилмурод, Мурод Мухаммад Дўст, Аҳмад Аъзам, Эркин Аъзам, Назар Эшонқул, Ғаффор Хотам, Саломат Вафо каби таниқли ёзувчилар билан бир қаторда, 70-йиллар охири, 80-йиллар бошида сўз санъати оламига ўзига хос изланишлари билан кириб келган Хуршид Дўстмухаммад ижоди моҳиятига ҳам тааллуқлидир.

Сўз санъатига чуқур ихлос қўйган адиб илк ҳикоялари, қиссалари ва очерклари чоп этилган истиқлол арафасидаёқ адабий танқид ва жамоатчилик назарига тушган эди. Истиқлол даврида адиб тўласинча ўз ижодий йўлини топди, ўзига хос овозига эга бўлди. Эндиликда у эришган ижодий ютуқлар, хусусан, тинимсиз изланишлар самараси ўлароқ камолга етказган, сирли товланишлари билан ажралиб турадиган услубий индивидуаллик адабиёт назарияси фанида катта қизиқиш уйғотмоқда.

Таниқли адабиётшунос олимлар И.Ғафуров, У.Норматов, А.Расулов, Н. Раҳимжонов, С.Содиқ, Қ.Йўлдошев, Ш.Ризаев, М.Қўчқорова<sup>2</sup> ва бошқалар адиб ижодий изланишлари ва бадиий маҳоратининг эволюцион жараёнларини мутассил кузатиб келишади ва бу изланишлар мазмун-моҳиятини қатор илмий ва назарий асарларида таҳлил қилишди. Тадқиқотчи олимлардан Г.Сатторова, М.Рустамова, Г.Пошшаева, П.Кенжаева, Н.Мирсаидова, Ю.Каримова, М.Пирназарова<sup>3</sup> ва бошқалар, Мурод Муҳаммад Дўст, Эркин Аъзам, Назар Эшонқул, Ғаффор Ҳотам каби тажрибали ёзувчилар ижоди билан қиёслаган ҳолда, адиб прозаси бадиий-эстетик хусусиятлари, услубий йўналишининг ўзига хослиги, сюжет ва композицияни ишлаш, миллий характер яратиш, ҳаётий қарама-қаршиликлар ва руҳиятни талқин қилиш борасидаги маҳоратини текшириш билан шуғулланишди. Аммо Хуршид Дўстмуҳаммад насрида бадиий сўз қандай бадиий-эстетик, ғоявий-ижтимоий ва маънавий-маърифий вазифани

---

<sup>2</sup> Ғафуров И. Беозор қушнинг қарғиши “Моҳият” газетаси 2008 йил 7-14 март; Норматов У. Ижод сеҳри. Т., “Шарқ”, 2007; Норматов У. Насримиз тамойиллари. “Жаҳон адабиёти” журнали, 2005 йил, 2-3-сон; Расулов А. Бадиийлик – безавол гўзаллик. Т., “Шарқ”, 2007; Расулов А. Шафоат ёғдусидан бахрамандлик. (Ёшлар қиссалари ҳақида қайдлар) “Шарқ юлдузи” журнали 1991 йил, 9 -сон; Расулов А. Ижодий ўзлик сари йўл. “Шарқ юлдузи” журнали, 2008 йил, 2-сон; Н.Раҳимжонов. Бадиий асар биографияси. Т., “Фан”, 2008. Санжар Содиқ. Ҳаққоният кучи. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, 2008 йил, 8 январь; Йўлдош Қ. Ёнқ сўз. Т., “Янги аср авлоди”, 2006; Қозокбой Йўлдош. Кўнгил мулки. “Жаҳон адабиёти” журнали, 1997 йил, 1-сон; Қозокбой Йўлдош. Кашф этиш эҳтиёжи. “Ёшлик” журнали, 1990 йил, 9-сон; Йўлдошев Қ. Ёнқ сўз. Янги ўзбек адабиёти: илдизлар, белгилар, босқичлар. “Шарқ юлдузи” журнали, 2007 йил, 1-сон; Ризаев Ш. “Шарқ юлдузи” журнали, 2012 йил, 3-сон; Қўчқорова М. Бадиий сўз ва руҳият манзаралари. Т., “Мухаррир”, 2011.

<sup>3</sup> Сатторова Г. 90-йиллар ўзбек ҳикоячилигида миллий характер муаммоси. (Ғ.Хотам, Х.Дўстмуҳаммад, Н.Эшонқул ҳикоялари мисолида) Диссертация, ф.ф.н., Т., 2002,-135 б; Рустамова М. Истиқлол даври ўзбек қиссаларининг тараққиёт тенденциялари. Диссертация, ф.ф.н., Т., 2005, -134 б; Кенжаева П. Ҳозирги ўзбек ҳикояларида қаҳрамон руҳиятини тасвирлаш тамойиллари. Автореферат. ф.ф.н., Т., 2008. -26 б; Каримова Ю. Пиримқул Қодиров қиссаларида маънавий-ахлоқий муаммоларнинг бадиий талқини. Диссертация, ф.ф.н., Т., 2005, -133 б. Пирназарова. М. Ҳозирги ўзбек романларида услубий изланишлар. (О.Мухтор. Х.Дўстмуҳаммад, У.Ҳамдам, Т.Рустам романлари мисолида): дис., ф.ф.н. Т., 2006.

бажариши билан боғлиқ долзарб масала ҳали ҳануз яхлит илмий-тадқиқот объекти қилиб олинган эмас, ваҳоланки, адиб асарлари, аввало, ана шундай хусусиятлари билан ажралиб туради ва эътиборни тортади.

Бундан ташқари, адибнинг шахси, истеъдоди табиати, бадиий-эстетик дунёқараши, бадиий маҳорати ҳамда услубининг шаклланиш жараёнлари назарий фанга қимматли материаллар бериши шубҳасиз; адибнинг турли бадиий йўналишлар, хусусан, анъанавий ва янгиланаётган реализм ҳамда модернизм билан ҳамкорлиги самаралари, ворисийлик ва ижодий анъаналарга муносабати, миллий адабиёт ва жаҳон адабиётидан қандай фазилатларни ижодий ўзлаштиргани, янгиланаётган бадиий-эстетик тафаккур ривожига қўшаётган ҳиссаси, моддий ва руҳоний дунёни айрича нигоҳ билан кузатиш ва зийраклик билан идрок этиш лаёқати ва ҳоказо турли-туман масалалар ечими навбат кутмоқда.

Шундай экан, тадқиқотимизда асосий эътибор шу масалаларни илмий-назарий нуқтаи назар билан атрофлича текшириш, кузатиш ва тегишли илмий-назарий хулосалар чиқаришга қаратилади. Алоҳида таъкидлаш лозимки, тадқиқотимиз шу соҳадаги дастлабки изланишлардан бири ҳисобланади.

Хуршид Дўстмуҳаммад насрий асарларини кенг кўламда қиёсий ўрганиш, эстетик нуқтаи назар билан текшириш ва таҳлил қилиш; адиб поэтик сўз зиммасига бадиий-эстетик, фалсафий-эстетик вазифа юклаш борасида қандай бадиий кашфиётлар қилгани – миллий адабиётимиз хазинасини қандай янгиликлар билан бойитгани ва бу янгиликлар нимадан иборат эканини аниқлаш, айни пайтда, ўзбек ва жаҳон прозаси ютуқлари асносида услубини қандай шакллантиргани ва услубига хос индивидуаллик белгиларини кўрсатиб бериш тадқиқотимиз учун бош мезон бўлиб ҳисобланади.

Миллий адабиёт, жаҳон адабиёти тажрибалари ва анъаналарини пухта ўзлаштиришга интилаётган Хуршид Дўстмуҳаммад сўз масъулиятини, сўз чинакам гўзаллик яратувчи восита эканлигини теран ҳис қилиши қувонарли ҳолдир. Истеъдодли адиб, индивидуал услуб яратиш ниятида, анъанавий реализм, романтизм ва мистик романтизм манбаларидан самарали озиқланиб,



жаҳон насрига хос мажозий модерн ифода маданияти имкониятларини ижодий ўзлаштираётгани, бу йўлда ўзига хос кашфиётлар қилаётгани кузатилади. Тадқиқот мақсадидан келиб чиқиб, қуйидаги вазифаларга эътибор қаратилди:

- адибнинг моддий ва руҳоний дунёни, табиат, жамият ва ҳаётни, инсон ва унинг маънавий оламини янгича идрок этиш, янгича бадиий-эстетик қарашлар орқали тасвирлаш фазилатини таҳлил қилиш;

- илмий кузатувлар жараёнида адиб асарларида поэтик матнни ташкил этган сўз қандай бадиий-эстетик, ижтимоий-ғоявий, маърифий-ахлоқий вазифани бажарганини таҳлил асосида умумлаштириш;

- бадиият мезонларини такомиллаштириш, ижтимоий-ахлоқий, маънавий-маърифий муаммоларни тўлароқ ифодалаш эзгулик ва ёвузлик курашининг теран адабий таҳлили билан боғлиқ эканини ёритиш;

- ҳаётий ва бадиий ҳақиқат ўртасида бадиий-эстетик мутаносибликни юзага келтиришда эстетик идеал, ижодий позиция ва концепция ўрнини белгилаш;

- эстетик идеал моҳиятан жамият ва инсон шахси психологияси кўзгуси эканини исботлаш;

- адиб ижоди ва услубидаги бадиий-эстетик янгилик чуқур тарихий илдизларга эга бўлган ворисийлик ва ижодий анъаналар асосида камол топганини ўрганиш;

- адиб истеъдоди, дунёқараши, эстетик идеали ва услуби янгиланган реализм ва модернистик йўналишлари билан алоқадорликда шаклланиганини таҳлилга тортиш;

- ижодий-бадиий изланишлар жаҳон адабиёти ва миллий адабиёт заминида олиб борилганини, бу эътиборга молик малака ва маҳорат нишонаси эканини тафтишдан ўтказиш;

- миллий адабиётимиз ва жаҳон адабиётидаги бадиий маҳорат мактаблари билан ҳамкорлик самараларини тадқиқ этиш;

- модернистик услуби шаклланишида модерн адабиёти намояндаси Франц Кафка ижоди таъсирини эътиборда тутиш ва адиб асарларини унинг асарлари билан бадиий-эстетик талабларга кўра қиёслаш;

- адиб нуқтаи назари, ҳаётий кузатувлари миқёси, бадиий-эстетик масалалар билан бирга, жиддий ижтимоий, ахлоқий-маърифий тамойиллар моҳиятига туташ эканлигини кўрсатиш;

- адиб шакллантирган услубий индивидуаллик моҳияти реал ва нореал воқелик, рамзийлик ва ҳаёлот, мифология ва мистика моҳияти билан ёндош келишини тасдиқлаш;

- бадиий ғоялар тизимини жамлаган, реал ва нореал воқелик заминиди шаклланган эстетик идеал ҳикоялари, қиссалари ва ниҳоят романида қай йўсинда ривожланиб борганини текшириш;

- эстетик идеалнинг муайян асар архитектуроник қиёфасини мукамал қилиш, зеро сюжет ва композиция асосларини мустаҳкамлаш, характерлар моҳиятини очиш, ҳаётий тўқнашувлар, зиддиятлар ва психологик тарангликни кучайтириш борасидаги иштирокини аниқлаш;

- ҳикоя, қисса ва романида онгдаги эврилишларни ифодалаш, характер яратишда эстетик туйғуни сафарбар этишда адиб намоён этган бадиий маҳорат қирралари билан яқиндан танишиш;

- адибнинг психологик тасвирни кучайтириш асносида бадиий образ ички ва ташқи дунёсини талқин қилиш қобилиятини назардан кечиртиш;

- характер индивидуаллиги ва ҳаётий-бадиий ҳақиқат яхлитлигини фалсафий меъёрлар асосида талқин қилиш бадиият ва эстетик идеал кўламини кенгайтириш воситаси эканини қайд этиш;

- кечинмалар коллизиясини акс эттиришда пейзаж қанчалар муҳим аҳамият касб этишини кузатиш;

- бадиий психологизм имкониятлари характер яратишда етакчи эстетик восита эканини асослаш;

- реал воқелик билан нореал воқелик, ниҳоят, эстетик идеал ва концепция моҳиятини очиш, архитектуроник гўзаллик яратишда самарали хизмат қиладиган мажозий-реал, мажозий-мистик ва рамзий-мифологик образлар муштарак эканлигини баҳолаш;



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi <https://kitobxon.com/uz/asar/5556> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси <https://kitobxon.com/uz/asar/5556> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/5556>